

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ЕР ҚАЪРИНИ ГЕОЛОГИК ЎРГАНИШ, САНОАТДА,
КОНЧИЛИКДА ВА КОММУНАЛ-МАИШИЙ СЕКТОРДА ИШЛАРНИНГ
БЕХАТАР ОЛИБ БОРИЛИШINI НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ
ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ
БҮЙРУҒИ

41 Сирка кислотаси ишлаб чиқариш ходимлари учун
хавфсизлик қоидаларининг 41-бандига ўзгартириш
киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил
15 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2073-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»-
ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси,
1993 й., 5-сон, 223-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси-
нинг 2000 йил 12 июлдаги 267-сонли «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир
меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида»ги
(Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами, 2000 й.,
7-сон, 39-модда) ва 2010 йил 20 июлдаги 153-сонли «Меҳнатни муҳофаза
қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш тўғриси-
да»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 28-
29-сон, 234-модда) қарорларига мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший
секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инс-
пекцияси бошлиғининг 2009 йил 21 декабрдаги 271-сонли буйруғи (рўйхат
рақами 2073, 2010 йил 23 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳуж-
жатлари тўплами, 2010 й., 3-4-сон, 32-модда) билан тасдиқланган Сирка
кислотаси ишлаб чиқариш ходимлари учун хавфсизлик қоидаларининг 41-банди
қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«41. Ташкилотларда ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш Хо-
димларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат
рақами 2387, 2012 йил 29 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳуж-
жатлари тўплами, 2012 й., 35-сон, 407-модда) асосида амалга оширилиши
лозим.».

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижти-
мий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерация-
си Кенгаши, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ички ишлар вазир-
лиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Ўзкимёсаноат» ДАК билан келишил-
ган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бошлиқ

Б. ГУЛЯМОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 9 январь,
4-сон

Келишилган:

*Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири*

А. ХАИТОВ

2014 йил 3 январь

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши раиси*

Т. НАРБАЕВА

2013 йил 10 декабрь

*Давлат архитектура ва
қурилиш қўмитаси раиси*

Б. ЗАКИРОВ

2014 йил 6 январь

Ички ишлар вазири

Б. МАТЛЮБОВ

2013 йил 9 декабрь

Соғлиқни сақлаш вазири

А. АЛИМОВ

2013 йил 17 декабрь

*«Ўзкимёсаноат» ДАК
Бошқарув раиси*

Х. ШЕРМАТОВ

2014 йил 8 январь